

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИНИНГ

ҚАРОРИ

“Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби бўйича низом”ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги қарор қилади:

1. “Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби бўйича низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни қисқартириш  
вазирининг биринчи ўринбосари

2022 йил 5 январь  
45 - сон



*[Signature]*

И. Норкулов

Ўзбекистон Республикаси  
Инновацион ривожланиш  
вазирлиги

2022 йил 5 январь  
1-қ/қ - сон



*[Signature]*

И. Абдурахмонов

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ўринбосари

2022 йил 5 январь  
1-қ/қ - сон



А. Хайдаров

Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар ишлари агентлиги  
директори

2022 йил 5 январь  
01-07/01 - сон



А. Саъдуллаев

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
қисқартириш вазирлигининг  
Инновацион ривожланиш вазирлигининг  
Молия вазирлигининг  
Ёшлар ишлари агентлигининг  
2022 йил “5” январдаги  
45, 1-қ/қ, 1-хх ва 01-07/01 -сон  
қарорига илова

**“Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танловини ташкил этиш  
ва ўтказиш тартиби бўйича  
НИЗОМ**

Ушбу Низом “Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялари танловларини (кейинги ўринларда - танлов) очик ва ошкора ташкил этиш, лойиҳаларни баҳолаш мезонлари ва уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш тартибини ҳамда ушбу танловни ташкил этишдаги тегишли ташкилот ва вазирликлар ўртасидаги муносабатларни белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**“Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танлови** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ёшларнинг стартап ғояларини танлаб олиш танлови;

**стартап-ғоя** – фойда олиш ноаниқ ва молиявий таваккалчилик юқори бўлган шароитларда янги товарлар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни жорий этишни кўзда тутувчи лойиҳа ғояси;

**бизнес-режа** – бизнес ғоянинг мақсади, унга эришишнинг йўли, усуллари ва муддатларини ўз ичига олган ҳужжат;

**стартап лойиҳа** – стартап-ғоя асосида ишлаб чиқилган бизнес режа ва унинг амалга ошириш лойиҳаси;

**техник экспертиза** – тақдим этилган лойиҳаларнинг ушбу Низом талабларга мувофиқлиги, шунингдек, лойиҳа ҳужжатларига кўра тақдим этилган маълумотларнинг мавжудлиги, тегишли шаклда эканлигини баҳолаш;

**танлов ташкилотчилари** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6260-сон Фармонида асосан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ёшлар ишлар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари вакилларидан иборат танловни ташкил этувчи жамоа;

**танлов ишчи гуруҳи** – танловда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш, ҳужжатлар техник экспертизасини ташкил этиш, стартап ғоя бўйича бизнес режани баҳолаш ва хулоса бериш вазифаларини амалга оширувчи ташкилотчилар туман ва шаҳар бўлинмаларининг камида 9 нафар вакилларидан иборат бўлган гуруҳ;

**танлов комиссияси** – техник экспертизадан сараланган, бизнес режалари бўйича ижобий хулосалари олинган стартап лойиҳаларни якуний босқичда кўриб чиқиш ва танлов ғолибини аниқловчи ташкилотчилар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бош бошқармаларининг камида 9 нафар вакилларидан иборат бўлган комиссия;

**назорат гуруҳи** – Тошкент шаҳар, ҳар бир вилоят ҳокимликларида (Қорақалпоғистон Вазирла Кенгаши) танлов ташкилотчилари томонидан 5 кишидан иборат таркибда тузиладиган Танлов натижалари юзасидан эътироз ва шикоятларни кўриб чиқувчи гуруҳ;

**танлов иштирокчилари** – 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган (шу ёш ҳам) стартап ғояларига эга, ўзи яшаётган ҳудудлар (туман, шаҳар)да ўтказиладиган танловда ихтиёрий равишда иштирок этишга ариза топширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;

**ҳужжатлар тўплами** – 1-иловага мувофиқ тўлдириладиган ариза шакллари, ҳужжатлар мажмуи.

## **2-боб. Танловнинг мақсад ва вазифалари**

2. Танлов мақсади ёшларнинг тадбиркорлик фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳаларига илғор билим ва технологияларни жорий этишга қаратилган бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

3. Танлов вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудлардаги ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш;

ёш тадбиркорларни касбий ривожланишига қўмаклашиш;

ёшларнинг стартап-лойиҳаларини грантлар орқали молиялаштириш.

## **3-боб. Стартап лойиҳаларни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар**

4. Танловга ҳудудлардаги мавжуд эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, янги товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш ҳамда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига қаратилган стартап лойиҳалар қабул қилинади.

5. Аризаларни топшириш шартлари ва муддатлари танлов ташкилотчиларининг расмий веб-саҳифасида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 календарь куни этиб белгиланади.

6. “Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танлови 2022-2023 йиллар мобайнида белгиланган муддатларда камида 2 маротаба ташкил этилади.

## **4-боб. Танловда қатнашиш шартлари ва тартиби**

7. Танлов иштирокчилари ушбу Низомнинг 1-илласига мувофиқ ихтиёрий тарзда ариза ва стартап ғоя бўйича ҳужжатлар тўпламини эълонда кўрсатилган веб-саҳифа орқали электрон тарзда киритиши ёки ўзи истиқомат қиладиган ҳудуддаги танлов ишчи гуруҳига қоғоз шаклда тақдим этиши мумкин.

Ариза шакли намунаси, уни тўлдириш тартиби ва ҳужжатлар тўплами рўйхати ташкилотчиларнинг расмий веб-саҳифасида жойлаштирилади.

8. Танлов иштирокчилари яқка тартибда ёки гуруҳ шаклида иштирок этишлари мумкин.

Гуруҳда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бироқ, 5 кишидан ортиқ бўлмаган ёшлардан ташкил топади ва танловда битта иштирокчи сифатида қаралади ҳамда битта бизнес ғоя билан иштирок этади.

9. Танлов иштирокчилари томонидан танловда қатнашиш ихтиёрий ва бепул асосда амалга оширилади.

10. Тақдим этилган стартап лойиҳада қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

стартап лойиҳанинг номи;

тегишли тадбиркорлик йўналишида ва ҳудудда стартап ғоянинг долзарблиги;

тегишли ҳудудда стартап ғоянинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти;

стартап-ғоянинг мақсади ва вазифалари;

амалий натижаларга йўналтирилганлиги (стартап ғоя/лойиҳанинг якунида олинadиган натижа маълум эҳтиёжга қаратилган маҳсулот ёки хизмат кўринишида амалда аҳоли эҳтиёжини қондириши);

яратилadиган иш ўринлари сони;

кўзда тутиладиган товарлар ва хизматларга бозор эҳтиёжи ва талаблари прогнози;

аналог йўналишдаги рақобатчиларчилардан устунлик (стартап лойиҳа орқали ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматнинг амалда мавжуд бўлган худди шундай маҳсулот ва хизматлардан устунлиги ва авзаллиги);

ташқи молиялаштириш зарурлигини кўрсатадиган маблағ миқдори;  
лойиҳани тахминий ишга тушириш муддати.

11. Танлов иштирокчиси ариза ва ҳужжатлар тўплами асослангилган хато ва камчиликлар асосида қайтарилган тақдирда иштирокчи томонидан танлов ташкилотчиларининг расмий веб-саҳифасига ёки танлов ишчи гуруҳига қоғоз шаклда мавжуд хато ва камчиликларни тузатган ҳолда қайта киритиши мумкин.

Бунда, ариза ва ҳужжатлар тўплами ҳужжатлар қабул қилиниши яқунлангунга қадар, бироқ, уч кун ичида қайта киритилади.

12. Стартап лойиҳаларни шакллантириш, уларни кўриб чиқиш ҳамда танлаб олиш ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган чизмага мувофиқ амалга оширилади.

### **5-боб. Танловни амалга ошириш босқичлари**

13. Танлов қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

I-босқич: танловни эълон қилиш, “Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танлови бошланиши;

II-босқич: аризаларни қабул қилиш, ҳужжатлар тўплами тўлиқ тақдим этилганлиги ва расмийлаштирилганлигини кўриб чиқиш ва техник экспертизадан ўтказиш;

III-босқич: стартап ғоя бўйича бизнес-режаларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва хулоса бериш, ижобий хулоса олган 10 та стартап лойиҳалар рўйхатини танлов комиссиясига тақдим этиш ҳамда уларнинг муаллифларига қисқа муддатли малакавий ўқув семинарларини ташкил этиш;

IV-босқич: стартап лойиҳалар тақдимотини ўтказиш (тақдимотда стартап лойиҳа ҳимояси ва савол-жавоб ўтказиш шаклида ташкил этилади), танлов комиссияси қарори билан ҳар бир худуд кесимида ғолибларни аниқлаш;

V-босқич: танлов комиссияси қарорига мувофиқ танлов ғолибларини грант маблағлари билан тақдирлаш.

### **6-боб. Танлов ишчи гуруҳининг ташкил этилиши ва вазифалари**

14. Танловининг ҳар бир мавсуми учун алоҳида ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби ҳар бир шаҳар ва туманларда Ёшлар ишлари агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳудудий (туман/шаҳар) бўлинмалари вакиллари жалб этган ҳолда Низомнинг 3.1-иловасига мувофиқ шакллантирилади.

Танлов ишчи гуруҳ аъзоларига қуйидаги вазифалар юклатилади:

худудлар (туман ва шаҳар) кесимида танловга қабул қилинган аризалар ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда уларни техник экспертизадан ўтказиш;

стартап лойиҳалар бўйича бизнес режаларни баҳолаган ҳолда улар юзасидан хулосаларини тайёрлаш ҳамда танлов комиссиясига тақдим қилиш;

танловнинг 3-босқичида сараланган лойиҳалар муаллифлари учун қисқа муддатли малакавий ўқув семинарларини ташкил этиш.

15. Танлов ишчи гуруҳига раҳбарлик қилиш ҳамда ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлинма (шаҳар ва туман)лари томонидан амалга оширилади.

Бунда, танлов ишчи гуруҳи танловга тақдим этилган аризалар ва ҳужжатлар тўпланини техник экспертизадан ўтказиш, стартап-ғоялар бўйича бизнес режаларни ўрганиш ва хулоса бериш учун туман ва шаҳар ҳокимлигидан тегишли соҳадаги мутахассисларни жалб этиши мумкин.

## **7-боб. Стартап лойиҳаларни танлов ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқиш ва танлаб олиш тартиби**

16. Танловга ҳужжатлар қабул қилиниши яқунлангандан сўнг 10 иш куни муддат ичида стартап лойиҳалар ишчи гуруҳ томонидан техник экспертизадан ўтказилади ва Низомнинг 13-банди талабларидан келиб чиқиб саралаб олинади.

17. Техник экспертизадан ўтказилгандан сўнг танлов ишчи гуруҳи томонидан стартап ғоялар бўйича бизнес режалар баҳоланади. Ижобий хулосаланган стартап лойиҳалар ҳамда техник экспертизадан ўтмаган ёки ижобий баҳоланмаган стартап лойиҳалар рўйхати ташкилотчиларнинг расмий веб-саҳифаларида эълон қилинади.

18. Техник экспертизадан ўтмаган ҳамда бизнес режаси ижобий хулосаланмаган стартап лойиҳалар танловнинг кейинги босқичига ўтказилмайди.

19. Танлов иштирокчилари танловнинг ихтиёрий босқичида иштирок этишдан бош тортишлари ҳамда бу бўйича электрон ёки ёзма шаклда маълум қилишлари мумкин.

20. Бизнес-режалари ижобий хулосаланиб сараланган 10 та стартап лойиҳалари рўйхати бизнес-режа хулосалари илова қилинган ҳолда танлов комиссиясига юборилади.

21. Сараланган лойиҳалар муаллифлари учун тегишли туман (шаҳар)ларда ёки масофавий ўқитиш тизими орқали қисқа муддатли малакавий ўқув семинарлари ташкил этилади.

Семинарлар тадбиркорликнинг фундаментал билимлари, маълумотларни таҳлил қилиш кўникмалари, стартап лойиҳалари, лойиҳавий бошқарув ва лойиҳа тақдироти мавзуларида ташкил этилади.

## **8-боб. Танлов комиссиясининг ташкил этилиши ва вазифалари**

22. Худудлар (туман ва шаҳар) кесимида сараланган стартап лойиҳаларини кўриб чиқиш, уларнинг бизнес режалари бўйича хулосаларини ўрганиш ҳамда Низомнинг 31-бандига мувофиқ ғолибларни аниқлаш мақсадида танлов комиссияси тузилади.

Танлов комиссияси таркиби ҳар бир худудда (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар) Ёшлар ишлари агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги вилоят бош бошқармалари вакиллари жалб этган ҳолда Низомнинг 3.2-иловасига мувофиқ шакллантирилади.

23. Танлов комиссиясига бошчилик қилиш ҳамда танлов комиссияси таркибини тасдиқлаш Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги худудий (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар) бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Бунда, танлов комиссияси бошлиғи танлов ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган бизнес режалари ижобий хулосаланган стартап лойиҳаларни кўриб чиқиш учун вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлардан тегишли соҳадаги мутахассислар жалб қилиши мумкин.

24. Танлов комиссияси мажлиси, унда Танлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Танлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар Низомнинг 4-иловасига мувофиқ баённомалар билан расмийлаштирилади.

Танлов комиссияси мажлислари очиқ муҳокама шаклида ташкил этилади.

## **9-боб. Стартап лойиҳаларни танлов комиссияси томонидан кўриб чиқиш ва танлаб олиш тартиби**

25. Туман ва шаҳар ҳокимликларида ушбу Низомнинг 21-бандига мувофиқ ўқув семинарлар яқунлангандан сўнг 3 иш куни ичида танлов комиссияси томонидан ҳар бир худуд (туман ва шаҳар) бўйича якуний танлов ғолибларини аниқлаш амалга оширилади.

26. Танловнинг якуний босқичида тақдимот кўринишида стартап лойиҳалар ҳимояси ўтказилади ва лойиҳалар баҳоланади.

Бунда, номзодлар ўз стартап лойиҳаларини Power Point форматида (энг кўпи 10 слайдда) тақдимотини ўтказадилар ва мавзуга оид саволларга жавоб берадилар.

27. Танлов иштирокчиларининг тақдимотларини баҳолаш кўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

тегишли тадбиркорлик йўналишида ва ҳудудда бизнес-ғоянинг долзарблиги;

тегишли ҳудудда бизнес-ғоянинг ижтимоий аҳамияти;

яратиладиган ишчи ўринлари сони;

амалий натижаларга йўналтирилганлиги: ўзини ўзи қоплаш, рентабеллик, тўлов қобилияти;

тегишли маҳсулотлар/хизматлар бозори бўйича мақсадли аудиторияси, манзиллилиги;

аналог йўналишдаги рақобатчиларчилардан устунлик;

стартап лойиҳасини ишга тушириш ҳисобига кўзда тутилаётган якуний натижа.

28. Танлов комиссияси томонидан стартап-лойиҳа ҳар бир мезон бўйича 1 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Умумий балл сифатида ҳар бир мезон бўйича олинган жами балларнинг йиғиндиси олинади. Умумий йиғилган балл жами белгиланган баллнинг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

29. Танлов комиссияси қарори билан ҳар бир ҳудуд кесимида (туман ва шаҳар) энг кўп балл тўплаган 3 та иштирокчи танлов ғолиби деб топилади.

30. Танлов ғолибларини танлаш бўйича танлов комиссиясининг қабул қилган қарори, ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ, танлов комиссияси қотиби томонидан баённома билан расмийлаштирилади. Баённома танлов иштирокчиларининг тақдимотларини баҳолаган танлов комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

31. Баённома асосида танловда ғолиб деб топилган ва рад этилган номзодлар бўйича натижалар Ташкилотчиларнинг веб-сайтларида жойлаштирилади ҳамда танлов комиссияси қарори қабул қилингандан сўнг, ғолиб номзодларга ўрнатилган тартибда грант маблағлари ажратиш амалга оширилади.

### **10-боб. Ғолибларни тақдирлаш тартиби**

32. Ғолибларни тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон Фармонида асосан, 2022-2023 йиллар учун мўлжалланган Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдоридagi кўшимча ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

33. Ҳар бир танлов ғолиби стартап ғояси бўйича бизнес режасида белгиланган смета харажатлари миқдоридa, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан кўп бўлмаган грант маблағлари билан тақдирланади.

34. Грант маблағлари танловда ғолиб чиққан танлов иштирокчиларининг стартап лойиҳалари бўйича бизнес режаларида белгиланган смета харажатларига йўналтирилади.

35. Грант маблағлари ҳокимликнинг қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан танлов ғолиби кўрсатган тижорат банкдаги ҳисоб-варағига ўтказиб берилади.

36. Тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтмаган ва тижорат банкида ҳисоб-варағига эга бўлмаган танлов ғолиби ўн иш куни ичида тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда тижорат банкдаги ўз ҳисоб-варағи тўғрисидаги маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармасига тақдим қилиши лозим.

## 11-боб. Яқунловчи қондалар

37. Грант маблағларининг бизнес лойиҳа бўйича мақсадли фойдаланилиши Давлат молия назоратининг ҳудудий бошқармалари томонидан мониторинг қилинади.

38. Танловда ғолиб деб топилган иштирокчиларнинг кейинги танловларга иштирок этишига ҳамда ғолиб деб топилган ғоя ва лойиҳалар билан танловда қайта иштирок этилишига йўл қўйилмайди.

39. Танлов иштирокчиси томонидан танлов натижалари бўйича билдирилган эътироз ва шикоятлар назорат гуруҳлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу низом тартибига мувофиқ амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

40. Назорат гуруҳи танлов иштирокчиларининг эътироз ва шикоятларини қонунчилик ҳамда ушбу низом талабларидан келиб чиқиб мустақил кўриб чиқади.

41. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

“Бизнесга биринчи қадам” стартап  
ғоялар танловини ташкил этиш ва  
ўтказиш тартиби бўйича Низомга  
1-илова

(Наъмуна)

**“Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танловида иштирок этиш бўйича  
Ариза**

Ушбу тақдим қилаётган аризамни кўриб чиқиб “Бизнесга биринчи қадам” стартап-ғоялар танловида иштирок этишга лойиклигини баҳолашингизни сўрайман.

|   |  |
|---|--|
| Аризачининг Ф.И.Ш. (тўлиқ):   |  |
| Лойиҳа гуруҳи таркиби<br>(Ф.И.Ш. (тўлиқ), лойиҳа гуруҳи аъзоларини туғилган санаси):  |  |
| Аризачининг яшаш манзили:   |  |
| Аризачининг почта манзили:  |  |
| Аризачининг телефон рақамлари (моб.):   |  |
| Аризачининг электрон почта манзили:   |  |
| Стартап-ғоя номланиши:  |  |
| <b>Стартап ғоя бўйича Бизнес режада қуйидагилар мавжуд бўлиши шарт: (бор/йўқ)</b>   |  |
| Фаолият тури: (ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, бошқ.):   |  |
| Стартап-лойиҳанинг асосий мазмуни:  |  |
| Стартап-лойиҳанинг долзарблиги ва уникаллиги:   |  |
| Стартап-лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти:   |  |
| Яратиладиган ишчи ўринлари сони:  |  |
| Мақсадли аудиторияси, мижозлар:   |  |
| Рақобатчилар:   |  |
| Стартап-лойиҳани амалга ошириш учун зарурий молиявий маблағлар:   |  |
| Грант олингандан сўнг стартап-лойиҳани ишга тушириш кўзда тутилаётган натижа:   |  |
| Қўшимча маълумот (ютуқлар, қийинчиликларни енгиб ўтиш, тақдим қилинаётган Стартап лойиҳани амалга оширишдаги шахсий мақсад) |  |

Ушбу аризага шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, резюме, лойиҳа гуруҳи (аъзоларнинг ҳар бирини шахсни тасдиқловчи ҳужжати, резюмеси) ҳужжатлари нусхаларини илова қиламан.

Мен “Бизнесга биринчи қадам” стартап-ғоялар танлови тўғрисидаги Низомда белгиланган танлов шартлари билан танишганимни ва улар билан рози эканлигимни тасдиқлайман.

Ушбу ариза ва унга илова қилинган барча маълумотларнинг ҳақиқий ва ўз вақтида топширганимни тасдиқлайман.

Танлов комиссияси аъзоларининг танлов иштирокчилари ва ғолибларини аниқлаш бўйича қарорлари якуний ва қатъий эканлигига қўшиламан.

Аризачи Ф.И.О (тўлиқ): \_\_\_\_\_

Имзо: \_\_\_\_\_

*\*Аризани ҳар бир варағи имзоланиши шарт*



“Бизнесга биринчи қадам” стартап  
ғоялар танловини ташкил этиш ва  
ўтказиш тартиби бўйича Низомга  
2-илова

**Танлов доирасида стартап ғояларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва танлаб олиш**

**СХЕМАСИ**

| <b>Босқичлар</b>  | <b>Субъектлар</b>                                 | <b>Амалга ошириладиган тадбирлар</b>  | <b>Бажариш муддатлари</b>   |
|-------------------|---|---|---|
| <b>1-босқич</b>   | Ташкилотчилар                                     | Тадбиркорлик стартап ғояларига эга ёшлар учун “Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танлови бошланиши   | Ташкилотчилар расмий веб-сайтларида танлов бошланиш санаси маълум қилинади  |
| <b>2-босқич</b>   | Ташкилотчилар, Ишчи гуруҳ                         | Аризаларни қабул қилиш, ҳужжатлар тўплами тўлиқ тақдим этилганлиги ва расмийлаштирилганлигини кўриб чиқиш ва техник экспертизадан ўтказиш   | Танлов эълон қилинган кейин 1 ой муддатда                                   |
| <b>3-босқич</b>   | Ишчи гуруҳ  | Техник экспертизадан муваффақиятли ўтган стартап ғоя бўйича бизнес-режани кўриб чиқиш, баҳолаш, бизнес режалари ижобий хулосаланган стартап лойиҳалар рўйхатини танлов комиссиясига тақдим этиш | Танловга ҳужжатларни қабул қилиш якунланган санадан бошлаб 10 иш куни ичида |
| <b>4.1-босқич</b> | Ташкилотчилар, Ишчи гуруҳ                         | Сараланган стартап лойиҳалар муаллифларига қисқа муддатли малакавий ўқув семинарлари ташкил этиш  | Танлов комиссияси томонидан 2-4 иш куни давомида                            |
| <b>4.2-босқич</b> | Танлов комиссияси                                 | Стартап лойиҳалар тақдимоти ўтказиш; Танлов комиссияси қарори билан ҳар бир ҳудуд кесимида ғолибларни аниқлаш   | Қисқа муддатли малакавий ўқув семинарларидан сўнг 3 иш куни ичида           |
| <b>5-босқич</b>   | Танлов комиссияси, вилоятлар Молия бош бошқармаси | Танлов комиссияси қарорига мувофиқ танлов ғолибларини грант маблағлари билан тақдирлаш  | Танлов комиссияси қарори қабул қилинган санадан бошлаб 1 ой ичида           |

**“Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танловини ўтказиш бўйича ҳудудлар  
кесимидаги (туман/шаҳар) Ишчи гуруҳнинг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

|  |                      |
|--|----------------------|
| Ёшлар ишлари агентлиги (туман/шаҳар) ҳудудий бўлинма бошлиғи   | — Ишчи гуруҳ раҳбари |
| Ёшлар ишлари агентлиги (туман/шаҳар) ҳудудий бўлинма вакили  | — Ишчи гуруҳ аъзоси  |
| Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги<br>ҳудудий (туман/шаҳар) бўлинмаси вакили | — Ишчи гуруҳ аъзоси  |
| Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги<br>ҳудудий (туман/шаҳар) бўлинмаси вакили | — Ишчи гуруҳ аъзоси  |
| Инновацион ривожланиш вазирлиги (туман/шаҳар) ҳудудий бўлинма<br>вакили                              | — Ишчи гуруҳ аъзоси  |
| Инновацион ривожланиш вазирлиги (туман/шаҳар) ҳудудий бўлинма<br>вакили                              | — Ишчи гуруҳ аъзоси  |
| Молия вазирлиги ҳудудий (туман/шаҳар) бўлинма вакили   | — Ишчи гуруҳ аъзоси  |
| Молия вазирлиги ҳудудий (туман/шаҳар) бўлинма вакили   | — Ишчи гуруҳ аъзоси  |
| Ёшлар ишлари агентлиги (туман/шаҳар) ҳудудий бўлинма вакили  | — Ишчи гуруҳ котиби  |

Изоҳ. Ишчи гуруҳ томонидан Танловга тақдим этилган аризалар ва ҳужжатлар пакетини техник экспертизадан ўтказиш, стартап-ғоялар бўйича бизнес режаларни ўрганиш ва хулоса бериш, шунингдек ижобий хулосаланган стартап лойиҳа муаллифларига қисқа муддатли малакавий ўқув семинарлари ташкил этиш учун туман ва шаҳар ҳокимлигидан тегишли соҳадаги малакали мутахассислар жалб этилиши мумкин.

**“Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танловини ўтказиш бўйича вилоятлар  
кесимидаги Танлов комиссиясининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

|  |                             |
|--|-----------------------------|
| Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш<br>вазирлиги ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи | — Танлов комиссияси раҳбари |
| Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бош бошқармаси вакили  | — Танлов комиссияси аъзоси  |
| Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бош бошқармаси вакили  | — Танлов комиссияси аъзоси  |
| Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш<br>вазирлиги вилоят бош бошқармаси вакили   | — Танлов комиссияси аъзоси  |
| Инновацион ривожланиш вазирлиги вилоят бош<br>бошқармаси вакили                              | — Танлов комиссияси аъзоси  |
| Инновацион ривожланиш вазирлиги вилоят бош<br>бошқармаси вакили                              | — Танлов комиссияси аъзоси  |
| Молия вазирлиги вилоят бош бошқармаси вакили   | — Танлов комиссияси аъзоси  |
| Молия вазирлиги вилоят бош бошқармаси вакили   | — Танлов комиссияси аъзоси  |
| Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш<br>вазирлиги вилоят бош бошқармаси вакили   | — Танлов комиссияси котиби  |

Изоҳ. Танлов комиссияси бизнес режалари ижобий хулосаланган стартап лойиҳаларни кўриб чиқиш  
учун вилоят ҳокимлигидан тегишли соҳадаги малакали мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

“Бизнесга биринчи кадам” стартап ғоялар  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби  
бўйича Низомга  
4-илова

\_\_\_\_\_ туман/шаҳар бўйича танлов иштирокчилари лойиҳаларини баҳолаш баённомаси

Сана: \_\_\_\_\_

ш. \_\_\_\_\_

| №   | Аризачи ФИО/гурух номи | Такдим қилинаётган<br>бизнес-ғоя номланиши | 1-Мезон | 2-Мезон | 3-Мезон | 4-Мезон | 5-Мезон | 6-Мезон | 7-Мезон | Жами: | Қарор |
|-----|------------------------|--|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|-------|-------|
| 1   |                        |  |         |         |         |         |         |         |         |       |       |
| 2   |                        |  |         |         |         |         |         |         |         |       |       |
| 3   |                        |  |         |         |         |         |         |         |         |       |       |
| ... |                        |  |         |         |         |         |         |         |         |       |       |

Танлов комиссияси хайъати қарори:

Биринчи ўрин – Стартап-лойиҳа \_\_\_\_\_,  
муаллиф/муаллифлар \_\_\_\_\_

Иккинчи ўрин – Стартап-лойиҳа \_\_\_\_\_,  
муаллиф/муаллифлар \_\_\_\_\_

Учинчи ўрин – Стартап-лойиҳа \_\_\_\_\_,  
муаллиф/муаллифлар \_\_\_\_\_

Танлов комиссияси аъзолари:

1. \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО  
3. \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО  
5. \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО  
7. \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО  
9. \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО

2. \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО  
4. \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО  
6. \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО  
8. \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО